

Мәхнат қилмок
Одобрағи Ҳақида
қиссалар.

Фойдали мәҳнат ва покиза касб қилмоқ Қудратли ва Улуғ Аллоҳ таоло катта ажр ва мўл-кўл савоблар билан мукофатлайдиган ибодатdir.

Дарҳақиқат Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мўминларга Ер юзида саъии-ҳаракат қилиб, ўзларининг пок мәҳнатлари ва кўп ютуқ- муваффақияту,ҳаракатлари билан бу борлиқни ўзлаштирмоқча буюрди.

Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деб айтган:

﴿ هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ ذَلِيلًا فَامْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَلْكُوْنُوا مِنْ رِزْقِهِ وَإِلَيْهِ النُّشُورُ ﴾

الملك: ١٥

{"У (Аллоҳ) сизлар учун Ени ҳокисор бўйсунувчи қилиб қўйган.Бас у (ернинг) ҳар томонида(сайр-саёҳат қилиб, ё тижорат ёки дехқончилик қилиб) юраверинглар.Ва Аллоҳ ризқ қилиб берган нарсалардан енглар.Ёлғиз Унинг ҳузурига қайтмоқ бордир.}"*Мулқ сураси, 15-оят.*

Мусулмон киши Аллоҳнинг чақириғига ижобат қилган ондаёқ ўз қўллари билан мәҳнат ва яхши касбкор қиласди. Мана шунинг орқасидан тоатнинг лаззатини ва ибодатнинг савобини ҳис қиласди. Натижада ўзи ва

оиласи учун көнг ҳаёт ва мүл-күл ризқни олиб келмоқقا
эришади.

Аммо инсон дангасалик ва бекорчилликка берилиб
кетса, албатта у ҳеч бир касбни ҳосил қила олмайди ва
ҳеч бир мева ҳам териб ололмайди.

Унга фақатгина оғир меҳнат ва саъии-ҳаракатнинг
машаққатига то ўз мақсадига етгунига қадар сабр
қилмоғи ҳам вожиб бўлади. Агар инсон меҳнатнинг
қийинлигидан ҳолдан тоймоқни ва чарchoқни ҳис этадиган
бўлса, бу саъии-ҳаракат билан якун топадиган ютуқ
жамики машаққатларни енгиллатиб-кетказиб юборади.

Меҳнатнинг кўп одоблари бор бўлиб. Уларнинг
айримлари ўшбулардир: Ҳалол-пок касбни
танламоқ, Ишни пухта бажармоқ, энг комил суратда адо
қилмоқ, Ёлланма ишчилар ва хизматкорларга ёрдам
бермоқ ва уларни ҳақларини бермоқ ва ҳоказодир!.

Меҳнат қилмоқнинг машаққати.⁽¹⁾

¹ Набий -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- саҳобаларига қўл меҳнатидан касб
қилмоқ фазилатини баён қилиб берардилар. "Кимки қўл меҳнатидан чарчаган

Саҳобий Али -розияллоҳу анҳу- Росулуллоҳ - соллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг қизлари Саййида Фотима-розияллоҳу анҳо-га уйландилар.Фотима -розияллоҳу анҳо- ўз турмуш ўртоқларининг уйида қўл тегирмони билан буғдойни ун қилардилар. Ҳатто ўша меҳнатлари сабабли қаттиқ чарчаб-толиқардилар. Шунда Али -розияллоҳу анҳу- аёллари Фотимага-розияллоҳу анҳо- - оталари Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам- ҳузурларига бориб,уй ишларида қарашадиган бир хизматкор сўрамоқни маслаҳат қилдилар.

Фотима -розияллоҳу анҳо- Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам- ҳузурларига бордилар-у, аммо! Оталаридан ҳаё қилиб, ҳеч нарса дея-олмай орқага қайтдилар.Сўнгра бошқа сафар ўzlари ва турмуш ўртоқлари Али -розияллоҳу анҳу- билан Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг олдиларига бориб, қўл меҳнатининг кўплиги,чарчоқнинг оғирлигидан шикоят қилдилар. Ўзларига бир хизматкор бермоқни сўрадилар.

ҳолда кеч киргизса,гуноҳлари кечирилган ҳолда кеч киргизибди"(Повароний ривояти)

Шунда Набий -соллаллоҳу алайҳи васаллам- уларга:
"Сизларга мендан сўраётган нарсаларингиздан-да кўра
яхшироқ нарсани хабарини берайми?"-дедилар.

Улар:"Ҳа!"-деди.

Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-:"Булар -
Жибрил алайҳис салом менга ўргатган калималардир!
Ҳар бир намоздан кейин 10 марта тасбех, 10 марта ҳамд
ва 10 марта такбир айтинглар! Тўшакларингизга
ётганингизда эса, ўттиз уч марта тасбех, ўттиз уч марта
ҳамд ва ўттиз тўрт марта такбир айтингизлар"

деб айтдилар.(И мом Ҳамад ривояти)

Икки қизнинг одоби.⁽¹⁾

Катта ёшдаги бир қария киши бор эди. Унинг икки
қизидан бўлак ҳеч кими йўқ эди. Бу қария меҳнат
қилмоққа қурби етмайдиган, заиф бўлиб қолган эди. Икки
қизи эса, кундуз пайтларида оталарининг қўйларини
боқиб, меҳнат қилишарди. Улар Қуёш ботишидан озгина

¹ Муслима аёл агар меҳнат қилмоққа муҳтож бўлсагина, касб қилмоққа ташқарига
чиқади. Ёки жамият бирон бир соҳада унинг тахассуси ва иқтидорига эҳтиёж
сезсагина ташқарига чиқмоғи мумкин бўлмаса йўқ.

олдин қўйлари қоринларини ўт-ўланга тўйдириб ва суғориб қайтиб келар эди.

Кунларнинг бирида бу икки қиз одатдаги қўй боқиш вақтларидан олдинроқ қайтдилар. Оталари улардан сабабини сўраганида, қизлардан бири: "Биз қудук олдида, одамлардан узоқроқда қўйларини суғориб бўлишларини кутиб, ўз қўйларимиз билан турган эдик. Шу пайт олдимизга бир киши келиб, бизлардан юмушимиз тўғрисида сўради. Биз эса унга ўзимиз ҳақимизда айтиб бердик. Кейин у бизларга қўйларимизни суғориб берди"- деб айтди.

Бу киши Аллоҳнинг набийси Мусо алайҳиссалом эдилар. У Зот -алаҳис салом- бу икки қизнинг одоби ва виқорларини кўриб, уларга ишларини адо қилмоққа ёрдам бериб, қўйларини суғориб бердилар.

Икки қизнинг маҳри.⁽¹⁾

¹ Мусулмон киши Аллоҳ азза ва жалланинг муҳаббатини ўз меҳнатини пухта қилмоқ билан топади. Росууллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-: "Албатта Аллоҳ агар сизлардан бирортангиз меҳнат қиласиган бўлса, ўз ишини пухта бажармоғини яхши кўради", дедилар. (*Имом Баҳҳақий ривояти*)

Қизларнинг отаси қизлариға қўйларни суғориб берган Мусо алайҳиссалом ҳақида эшитиб, қилган яхшиликлари эвазига ташаккур билдиromoқ учун қизларидан бирини Мусо алайҳис салом олдилариға юбориб, у зотни чақиртирди. Қизи бориб, Мусо алайҳис саломга Отаси чақираётганини айтди. Аллоҳнинг набийси бўлган Мусо алайҳиссалом чақириқни ижобат қилиб, Қарияни ҳузурига келдилар.

Қария Мусо алайҳис саломдан ҳайратланиб, ҳурмат-иҳтиром кўрсатди. Сўнгра маҳри - саккиз ёки ўн йил мобайнида қўйларни боқиб бериш эвазига икки қиздан бирига уйланишни таклиф қилди. Мусо алайҳис салом бу солих қариянинг қизига уйланишга рози бўлдилар ва тўлиқ ўн йил унинг ҳузурида ёлланма ишчи бўлиб қолдилар.

Мусо алайҳис салом қўйларнинг хизмати ва уларни боқиш вазифасини бажардилар. Бу билан Мусо алайҳиссалом солих қариянинг қизи маҳрини тўладилар ва унга уйландилар. Баракотли никоҳ бўлди.

Қимматбахо хурмо.(¹)

Қишиң кунларининг бирида Али ибн Абу Толиб - розияллоҳу анҳу- оч ҳолда уйларига қайтдилар.Лекин бирор - бир егулик топа олмадилар.Сўнг совуқдан асрайдиган - теридан бўлган кийимларини кийиб, кунлик озуқани касб қилиб топадиган меҳнатни қидириб ташқарига чикдилар.

Бир яҳудий кишининг боғи олдидан ўтдилар.Уни олдида тўхтадилар. Девордаги тешикдан қарасалар,яҳудийни чепак билан экинни суғораётганини кўрдилар. Яҳудий киши ҳам Али розияллоҳу анҳуни кўргач, қудуқдан тўлдирилган ҳар бир чепак ўрнига бир дона хурмо бериш эвазига у билан ишламоқни таклиф қилди.Али - розияллоҳу анҳу- ўта оч бўлганлари сабабли бунга рози бўлдилар. Али -розияллоҳу анҳу- ишни бошладилар.Ҳар қачон бир чепакни тўлдиригач,яҳудий у кишига бир дона хурмо берарди. Али -розияллоҳу анҳу- бир қанча хурмоларни йиғгач,ишдан тўхтадилар.Хурмоларни

¹ Егуликларнинг афзали киши ўз саъии-ҳаракатидан топиб еганидир. Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-:"Ҳеч бир кимса ўз қўли меҳнатидан еганидан-да кўра яхшироқ таомни емайди.Албатта Аллоҳнинг набийси Давуд -алайҳис салом- ҳам ўз қўллари меҳнатларидан ер эдилар",деб айтганлар.(Имом Буҳорий ривояти)

еб, Аллоҳ таолога ҳамдлар айтдилар. (*Имом Термизий ривояти*).

Маймун ва Ҳамён қиссаси.¹

Қадим замонда тижорат билан машғул бўлган бир савдогар бўлган экан. Лекин у олди – сотди ва торозида одамларни алдашга одатланган экан.

Бир куни савдогар ўз молларини сотиб, юртига қайтиш учун кемага минди.

Савдогарнинг қаерга борса, ортидан эргашиб юрадиган бир маймуни бор эди.

Савдогар кемага молининг ҳамёнини беркитиб, ухлагани ётди. Сўнгра уйқусидан туриб қараса маймуни кўринмади. Савдогар маймунни қидириш учун ўрнидан турди. Бир пайт қараса, маймун кеманинг ёғоч устуни устига чиқиб олибди, қўлида эса ҳамён. Маймун бир сафар бир дирҳамни денгизга, бир сафар эса яна бир дирҳамни кемага отар эди.

¹ Набий -соллаллоҳу алайҳи вассаллам- ўлчов ва торозида алдашдан огоҳлантирганлар: "Кимки бизни алдаса, биздан эмасдир. Макр-ҳийла ва алдов жаҳаннамдадир". (*Имом Тобароний ва Имом Ибн Ҳиббон ривоятлари*)

Охири бориб - бориб ҳамён дирҳамлардан бўшади.(Илом Аҳмад ривояти)

Бу билан маймун ҳаром молни денгизга отди. Савдогар эса ўз қилган тижорати учун ҳақиқий қийматга эришди. Энди уни зиммасида бошқа бир қарз бор эди. У қарзни эса, Аллоҳ азза ва жалла қиёмат кунида ундан ҳисобкитоб қилиб сўрайди. У-алдовининг қийматидир.

Покиза саъии-ҳаракат.⁽¹⁾

Кунларнинг бири, тонги маҳал саҳобалар Росулуллоҳ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам- билан ўтиришган эди. Шунда бақувват жуссали киши ўзининг меҳнатида ҳаракат қилиб, шошилиб юриб кетаётганини кўрдилар.

Саҳобалар ана шу кишининг қуввати, ғайратидан таажжубландилар.

Ва :"Эй Аллоҳнинг росули! Қанийди бу Аллоҳнинг йўлида бўлса", деб айтдилар.(яъни,agar у ўз қувватини Аллоҳ

¹ Аллоҳ бандаларини қилган амалларига ниятларининг чиройли эканига қараб мукофот беради. Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам- айтганилариdek: "Албатта амаллар ниятлари билан (эътиборлидир). Ҳар бир киши учун ният қилган нарсаси бўлур".(Муттафақун алайҳ)

йўлидаги жиҳод ва жангда ишлатса эди,ана шу нарса у учун яхши бўларди). Ресулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам- уларга покиза меҳнатнинг турларини очик-оидин тушунтириб,дедилар:"Агар у ёш болаларини ҳақларини адо қилиш йўлида чиқса,у Аллоҳ йўлидадир.Агар катта ёшдаги қария ота-онасини ҳақларини адо қилиш мақсадида чиқса,у Аллоҳ йўлидадир.Агар у ифратини сақлаб чиқса(яъни инсонлардан бирон нарса сўрамасдан),у Аллоҳ йўлидадир.Энди агар риё қилиб, мақтаниб чиқса,у шайтон йўлидадир".(*Имом Табароний ривояти*)

Аллоҳнинг ризқи.(¹)

Бир куни Набий -соллаллоҳу алайҳи васаллам- фажр намозини саҳобалар билан бирга ўқидилар.Намоздан кейин,қизлари саййида Фотима -розияллоҳу анҳо-нинг уйларига йўл олдилар.Қарасалар - қизлари ҳали ҳам ухлаётган экан.Тонг эса отай деб қолганди.

¹ Меҳнатга эрта тонгдан ҳаракат қилмоқда кўп яхшилик бордир. Ресулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам- дедилар:" Ризқ талаб қилмоқча эрта тонгдан ҳаракат қилинглар.Албатта эрта тонгда барака ва муваффақият бордир".(*Имом Баззор ривояти*)

Қизларини үйғотдилар ва тонг вақтлари фазилати ва ундағи яхшиликтардың баракот ҳақида хабар беріб айтдиларки:"Эй қизалоғим, ўрнингдан тургин-да, Роббингни ризқ улашишига гувоҳ бўлгин ва ғофил кимсалардан бўлиб қолмагин. Албатта Аллоҳ инсонларнинг ризқларини тонг вақти кирганидан қуёш кўтарилигунигача бўлган вақт оралиғида тақсимлайди."(Имом Байҳақий ривояти)

Ана шу нарсадан мусулмон киши бир дарсни таълим олиб, ўз амалларини эрта тонгда бажаришга шошилади. Албатта бу билан тонгда банданинг роҳати, ғайратидан ўзида бўладиган нарса билан бирга улкан яхшилиқдан фойда олади.

Бозорга йўл.(¹)

¹ Бозорга кириш дуоси:

"لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ يَحْيَىٰ وَيَمْتَ وَهُوَ حَيٌّ لَا يَمْتَ وَيَدْهُ الْخَيْرُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ
شيءٍ قَدِيرٌ"

"Ёлғиз шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир. барча мулк әгаси, барча ҳамд Унга бўлсин. Ҳаёт беради ва ўлдиради. У ўлмайдиган барҳаёт Зотдир. Барча яхшилиқ У Зотнинг қўлидадир. Ва У Зот барча нарсага қодирдир"

Мадинаи мунаавварада Набий -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- мұхожирлар ва ансорлар ораларини биродар қилиб қўйдилар.

Мұхожирлардан бўлган Абдурроҳман ибн Авф -розияллоҳу анҳу- ансорлардан бўлган Саъд ибн Робиъ -розияллоҳу анҳу-га биродар бўлдилар.Саъд -розияллоҳу анҳу- Абдурроҳман -розияллоҳу анҳу- га ўз бойлигини ярмини беришни таклиф қилди.

Абдурроҳман ибн Авф -розияллоҳу анҳу- ҳеч нарса олмасдан, балки рад этиб, ўз қўллари меҳнати билан касб қилмоқни афзал кўрдилар.Шунда Саъд -розияллоҳу анҳу-га:"Аллоҳ аҳлинга молинга барака берсин", деб, бозорга йўллаб қўймоқларини талаб қилдилар.Саъд бозор ўрнини кўрсатиб юбордилар.

Абдурроҳман ибн Авф -розияллоҳу анҳу- бозорга бордилар ва тижорат билан шуғулланиб, савдо сотик қилдилар.Ҳаттоқи бир қанча молларни фойда қилдилар.Ўзлари учун етарли миқдорда егулик сотиб олдилар.Абдурроҳман -розияллоҳу анҳу- қисқа муддат меҳнат қилдилар.Шу қисқа муддат ичидаги бўлса ҳам, кўп молга эга бўлдилар.Уйланишга ва аёлларига данак вазничалик бўлган тиллани маҳр учун беришга қодир бўлдилар.(Ином Ибн Саъд ривояти)

Болта эгаси.⁽¹⁾

Бир куни камбағаллардан бир киши Набий -
соллаллоҳу алайҳи ва саллам-дан садақа сўраб
келди, Пайғамбар –алайҳис салоту вассалом- у кишига
ҳеч нарса бермадилар балки ундан: "Ниманг бор деб?" -
сўрадилар.

Фақир киши битта кийими ва қадаҳи борлигини
айтди. Шунда Набий -соллаллоҳу алайҳи васаллам- у
иккаласини олиб келмоқни буюрдилар. Сўнгра Набий -
соллаллоҳу алайҳи ва саллам- уларни икки дирҳамга
сотиб юбордилар. Пулни фақирга бериб, бирига оиласи
учун ёгулик, бошқасига болта сотиб олишни буюрдилар. У
киши Набий -соллаллоҳу алайҳи васаллам-
буюрганларини қилиб, болта билан қайтди. Набий -
соллаллоҳу алайҳи васаллам- унга болтани тайёрлаб
бериб: "Боргин-да! ўтин қилгин ва сени ўн беш кун
давомида кўрмай", деб айтдилар. Ҳалиги киши ўз
мехнатидан шу қисқа муддат ичидаги ўн дирҳам ишлаб
топди. Набий -соллаллоҳу алайҳи васаллам-

¹ Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам- айтдилар: "Сизлардан бирортангиз
арқонини олиб, у билан тоққа бориб, ўтин қилиб, сўнгра орқасига ортиб олиб
келиши ва (шу ўтинни сотиб, пулига таом олиб) ейиши, у учун одамлардан сўраб
юришидан яхшидир". (*Имом Аҳмад ривояти*)

олдиларига келгач,унга:"Бир қисмиға егулик, бир қисмиға кийим сотиб олгин",дедилар.Сүнгра у кишига бу мөхнат одамлардан сўрамоқ ва тиламчилик қилмоқдан афзал эканлигини тушунтириб дедилар:"Бу мөхнат – сўрамоқдан (тиlamчилик ва гадойлик қилмоқдан) қиёмат куни юзинга бир белги бўлиб келмоғидан яхшидир" (*Имом Ибн Можа ривояти*)

Хизматкор озоддир.¹

Бир куни Набий -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- Мадина кўчаларидан бирида кетаётган эдилар.Шунда Абу Масъуд ал-Бадрий -розияллоҳу анҳу- хизматкорларини қамчи билан қаттиқ савалаётганларини кўриб қолдилар. Набий -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- у кишини орқасига келиб:"Эй Абу Масъуд билиб қўй!"-деб нидо килдилар.

¹ Набий -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- хизматкорларга яхши муомалада бўлмоққа йўл кўрсатдилар."Кимники бир биродари уни қўли остида бўлса,ўзи еган нарсасидан едирсин,кийган нарсасидан кийдирсин ва уларга кучлари етмайдиган нарсани таклиф қилмангиз.Агар таклиф қилсангиз ҳам,ўша ишда уларга ёрдамлашинг".(*Имом Муслим ривояти*)

Лекин Абу Масъуд ўта ғазабланганларидан Набий - соллаллоҳу алайҳи ва саллам-овозларини танимадилар. Набий -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- у кишига яқинлашганларидагина таниб қолдилар. Набий -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-:"Билгинки,эй Абу Масъуд албатта Аллоҳ сенга сен бу қулга қодирлигингдан-да кўра қодирроқдир".Абу Масъуд Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг сўзларини эшиитгач, титраб туриб қолдилар.

Қўлларидан қамчилари ҳам тушиб кетди ва ҳеч бир иккиланмай:"Бундан кейин ҳеч қачон қулларни урмайман",деб айтдилар.Сўнгра:"Эй Аллоҳнинг Росули! бу қул Аллоҳ таолонинг юзи учун озоддир",дедилар.Шунда Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-:"Агар шуни қилмаганингда эди,албатта сени жаҳаннам ўти куйдирган ёки жаҳаннам ўти ушлаган бўлар эди",дедилар.(И мом Муслим ривояти)

Хато тушунча.(¹)

¹ Саҳобалар ҳалол ва ҳаромни билмоққа ҳарис бўлганлар.Умар ибн Хаттоб - розияллоҳу анху- айтганларки:"Бизнинг бу бозоримизда фақатгина динни –яъне

Солиҳ кишилардан бири ўзи учун муҳим бўлган ишни битириш учун бир жойга йўл олди. У уерда шу ишга масъул бўлган кишини топмади. Шунда уни суриштирганда: "У пешин намозга ҳозирлик кўраяпти"-деб айтдилар. Аммо пешин намозининг азони вақтига

тўлиқ бир соатдан кўпроқ вақт бор эди. Солиҳ киши масъул кишини қаердалигини сўраб-суриштирган эди. Унга у кишини қаердалигини кўрсатиб юбордилар.

Солиҳ киши масъул кишидан ўзининг муҳим ишини адо қилиб бермоғини талаб қилди.

Масъул киши жаҳли чиқиб: "Намоз ҳар бир мусулмоннинг зиммасида фарз эканлигини билмайсанми?" -деб зарда қилди.

Солиҳ киши эса: "Вазифанг ҳам фарздир!" -деди.

Масъул киши: "Қандай қилиб?!" -деб сўради.

Солиҳ киши унга жавобан: "Чунки бу ерда, сен ва бу муассаса орасида келишув бор. Сен маълум миқдор маош ҳисобига бу ерда ишламоғинг белгиланган.

ҳалол ҳаромни-яхши билган ўрганган инсонгина савдо қиласди". (*Имом Термизий ривояти*)

Сенга инсонларга фойдали бўлган нарсаларни вақтинчалик тўхтатмоғинг мумкин эмас. Энди намозга келсак, уни вақти ҳали кирмаган!"-деди.

Масъул киши хатосини англади. У солих кишига узр айтиб, бошқа ўз ишида бепарвонликка йўл қўймаслигини ваъда берди.

Икки тоғ орасидаги тўғон.(¹)

Зулқарнайн одил подшоҳ эди. Унга Аллоҳ таоло катта мулк берганди. Кунларнинг бирида ўз мамлакатини айланиб, халқининг аҳволидан кўнгли хотиржам бўлмоқ учун чиқди. Шунда икки тоғ орқасида яшайдиган бир қавм олдидан ўтди.

Улар Зулқарнайнни кўргач, ундан ўзлари ва Яъжуж ва Маъжуж номли икки қабила орасини тўсадиган бир тўғон қуриб бермоқни талаб қилдилар. Зулқарнайнга ҳақ таклиф қилгандилар, олмади.

¹ Ресуллороҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- солих амалларни гарчи озгина бўлсада, давомли қилмоқса йўл кўрсатдилар. Набий -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- дедилар: "Амалларнинг энг суюклиси давомлисиdir, гарчи оз бўлсада". (*Илом Бухорий ривояти*)

Сүнгра Зулқарнайн уларга ёрдам бермоқларини ва қавм бўлиб қўллаб-қувватламоқларини буюрди. Уларга: "Бу иш кўп куч ва мاشаққатни талаб қилади!"- деди. Қавм темирни йиғдилар тагидан оловни ёқдилар. Уни устига эритилган мисни қўйдилар. Токи шу ишдан фориғ бўлгунларича жидди жаҳд ва ғайрат билан меҳнат қилмоқда давом этдилар. Улар талаб қилган бино ўз ниҳоясига етди.

Шу ўринда Зулқарнайн фазлни ўзига нисбат бериб айтмади. У фақатгина: ﴿١٨﴾ ﴿قَالَ هَذَا رَحْمَةٌ مِّنْ رَّبِّيٍّ﴾ الکهف: ۹۸

"Бу Роббим тарафидан бўлган раҳматдир (Кахф сураси, 98-оят)", деб айтди.

Боғ эгаси.⁽¹⁾

¹ Шоир айтди:

Машаққат эвазига касб қиласан вазирликни,

Кечаларни бедор ўтказар, ким талаб қилса улуғворликни.

Кимки машаққатсиз талаб қилса олийликни,

Иложсиз иш талабида зоя кетказибди умрини.

Набий -соллалпоҳу алайҳи ва саллам- ўз саҳобаларига саҳрода ўтган бир киши ҳикоясини айтиб бердилар.

Саҳрода кетаётган киши булут томондан бир овозни эшитади.Унга:"Фалончининг боғини суғоришиб юбор!"-деб айтилди.

Шундан кейин булут ўша боғ тарафга йўналади.Йўлда юриши давомида ҳамма сувини бўшатиб борди.Киши ўша сувга эргашиб кетаётганда,боғида ишлаётган бир кишига йўлиқди.

У сувни буриб турарди ва экинни суғорарди.Киши боғ эгасидан исмини сўради.У:"Фалончи",деб жавоб берди.(бу булутдан эшитган исмини айнан ўзи эди.)Боғ эгаси саволни сабабини сўради.Киши эса унга бўлиб ўтган ҳодисани ҳикоя қилиб берди ва :"Боғда нима қиласиз?", деди.Боғ эгаси меваларни учдан бирини садақа қилишини,учдан бирини ўзи ва аҳли-оиласи ейишини ва қолган учдан бирини эса,боғига эътибор билан қараб туриши учун сарфлашини айтди.(Имом Муслим ривояти)

Ишчининг ҳаққи.(¹)

Қадим замонда бир киши ишчиларни ўзига ёрдам бермоғи учун ёнлади.

Ишчилар ишларини адо қилиб тугатишгандан кейин иш ҳақларини олдилар. Фақатгина биттаси ҳаққини олмасдан кетиб қолибди. Иш эгаси бу ишчини ҳаққини кўпайтиришга қўйибди. Ҳатто уни ҳаққи қўй ва молларнинг подасига айланибди.


Бир қанча вақтдан кейин ҳақ эгаси қайтиб, ўз ҳаққини талаб қилибди. Ҳалиги киши поданинг ҳаммасини олгин дебди. Ёнланма ишчи бу киши мени масхара қиласяптишекилли! - деб ўйлаб қолибди. Шунда у киши бўлиб ўтган ҳодисани ҳикоя қилиб берибди. Ёнланма ишчи уларни ҳаммасини олиб, миннатдор бўлиб қайтиб кетибди.

Бу покиза амали сабабидан Аллоҳ таоло ўша кишига нажот берди. Дарҳақиқат у икки дўсти билан сайр қилиб кетаётганда, дам олмоқ учун бир ғорга кирдилар. Бир харсанг тош юмалаб тушиб, ғор оғзини тўсиб қўйди. Икки

¹ Мусулмон кишига агар ишчиларни ёнласа, уларни ҳақларини ишларини тугатишгандаридан кейин дарров бериши шартdir. Ресулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-. "Ёнланма ишчиларга ҳақларини, терлари қуриб қолишдан олдин беринглар", деб айтганлар. (*Имом Ибн Мажа ривояти*)

киши сўнг бу киши ҳам солиҳ аммаллари билан дуо қилди. Аллоҳ таоло харсанг тошни силжитти. Улар ғордан ўзларининг солиҳ амалларининг фазли сабабли чиқдилар.

(И мом Бухорий ривояти)



Саҳифаларимиздаги манбаълардан Аллоҳ азза ва жалла розилиги йўлида бемалол ишлатаверинг, тижорат мақсадида эмас, иқтибос олинган веб сайга ишора қилсангиз.

<http://www.musulmanin.com>